



**"SULTON OTO" MCHJ  
AUDITORLIK KOMPANIYASI**

**АУДИТОРСКАЯ КОМПАНИЯ  
ООО "SULTAN-OTO"**

Toshkent shahar, Chilonzor tumani, Kichik xalqa yo'li ko'chasi, 7/1-uy. STIR: 310096484  
h/r:2020 8000 3055 9786 5001, IFUT:69202, sug'urta polis (10 mld) № 15/13/032, тел.:71-276-96-94

23.05.2024 йил

**"TURONELEKTROMONTAJ" АЖГА**

Тошкент ш, Юнусобод тумани,  
Тошгрес мавзеси 4A-үй

## **МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ АУДИТИ НАТИЖАЛАРИ БҮЙИЧА МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

### **Аудиторлик компанияси ҳақида умумий маълумот**

"SULTAN-OTO" МЧЖ Аудиторлик компанияси (СТИР: 310096484, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Навбаҳор маҳалласи, Кичик халқа йўли кўчаси, 7/1-үй.) томонидан аудитор Орипов Ҳолмурод Олим ўғли (аудиторлик сертификати рақами 06138-сон 2022 йил 21 августда берилган) 2024 йил 1 май куни томонлар ўртасида тузилган 018/24-сонли шартномага асосан "TURONELEKTROMONTAJ" АЖда аудиторлик текшируви ўтказди ва аудиторлик ҳисботи тузилди.

### **Ижобий хулоса**

Аудиторлик текшируви "TURONELEKTROMONTAJ" АЖнинг 2023 йил 1 январдан 2023 йил 31 декабргача бўлган давр учун тузилган молиявий ҳисботлари бўйича ўтказилди. Текширилган молиявий ҳисботлар ўз ичига ушбу давр учун тузилган бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботи ва бошқа ҳисботларни олади, шунингдек, ҳисоб сиёсати қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисботлар маълумотлари аудитор томонидан ўрганилди.

Бизнинг фикримизча, Жамиятнинг 2023 йил 1 январдан 31 декабргача бўлган давр учун тузилган молиявий ҳисботини сифатли акс эттирган ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган Аудиторлик текшируви натижалари бўйича молиявий ҳисботларни ҳолати қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилган, шунингдек, аудиторлик ҳисботида тавсияларни тақдим этдик.

### **Фикр билдириш учун асос**

Биз аудитни, Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартларга кўра бизнинг мажбуриятларимиз "Молиявий ҳисбот аудити учун аудиторнинг масъулияти" номли бўлимда баён қилинган. Биз аудит қилинаётган ташкилотга нисбатан бухгалтерлар учун аҳлоқ стандартлари бўйича Халқаро Кенгаш томонидан профессионал бухгалтерлар учун ишлаб чиқилган Аҳлоқ кодексига мувофиқ ва Жамиятнинг молиявий ҳисботи аудити бўйича аҳлоқий талабларга нисбатан мустақил ҳисобланамиз ва мазкур талаблар ҳамда Аҳлоқ кодексига тегишли бошқа мажбуриятларни бажардик. Биз аудит жараёнида

олган аудиторлик далилларини ўз фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарли деб ҳисоблаймиз.

### **Аудитнинг муҳим саволлари**

Аудитнинг муҳим саволлари- булар бизнинг профессионал муроҳазамизга кўра жорий давр учун тузилган молияий ҳисобот бўйича муҳим аҳамиятга эга бўлган саволлардир. Улар умумий тарзда бизни молиявий ҳисобот аудити бўйича тузилган ҳисобот матнида ва ушбу ҳисобот бўйича бизнинг фикримизни шакллантиришда кўриб чиқилган. Шунинг учун ушбу саволлар бўйича алоҳида фикр билдирмаймиз.

### **Корпоратив бошқарув ва молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва масъул шахсларнинг масъулияти**

Жамият раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботни Молиявий ҳисоботнинг миллий стандартларига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Молиявий ҳисобот тузиш жараёнида ташкилотни ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини баҳолаш, тегишли ҳолатларда узлуксиз фаолиятга тегишли маълумотларни очиб бериш, Бунга раҳбариятни, ташкилотни тугатиш, унинг фаолиятини тұхтатиш ёки бу харакатларни амалга оширмасликнинг бошқача ечими топа олмаган ҳолатлар бундан мустасно.

Корпоратив бошқарув учун масъул бўлган шахслар ташкилотнинг молиявий ҳисоботни тайёрлашни назорат қилиш бўйича масъулдир.

### **Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг масъулияти**

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган молиявий ҳисобот ножўя харакатлар ва хатолар таъсиридаги муҳим бузиб кўрсатишдан холи эканлигига оқилона ишонч хосил қилиш ва ўз фикримиз баён этилган аудиторлик хулосасини эълон қилишдан иборат. Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлсада, Аудитнинг ҳалқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит молиявий ҳисоботда мавжуд бўлган муҳим бузиб кўрсатишларни барчасини аниқлаш имконини бермайди. Бузиб кўрсатишлар ножўя харакатлар натижаси ва муҳим бўлиб ҳисобланади, агарда улар алоҳида ёки жамлама ҳолда мазкур молиявий ҳисобот асосида фойдаланувчиларни иқтисодий қарор қабул қилишларига таъсир кўрсатса.

**“SULTAN-OTO” МЧЖ Аудиторлик  
ташкилоти директори**

О.Султонов

